Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

www.ishonch-doverie.uz

2011-yil 24-may № 64 (2945) seshanba

Ishonch

Insonga naf keltirish – oliy baxt

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Мохият

Шу азиз Ватан — барчамизники. Унинг бахту саодати, ёруғ истиқболи, фаровон келажаги учун яшаш, курашиш керак бўлса, жонини фидо қилиш шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон учун бахтдир.

Ислом КАРИМОВ

Янги кун янгиликлари

Пойтахтимизда «Оилавий бизнесни ривожлантириш аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим омилидир» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда аёлларни мазкур тизимга янада кўпроқ жалб этиш, савдо билан машғул бўлган қатламни қўллаб-қувватлаш ва соҳа билан боғлиқ тавсияларга катта эътибор қаратилди. Шу йўл бошида турган аёлларга мутахассислар томонидан тегишли маълумотлар ва йўл-йўриқлар берилди.

«Марказгазтаъминот» унитар корхонасида фаолият кўрсатаётган 43 нафар байналмилалчи жангчи энг кам иш ҳақининг 3 баробари миқдорида мукофотланди. Тармоқда ишлаб кексалик гаштини сураётган 6 нафар уруш ва меҳнат фахрийларига моддий ёрдам кўрсатилди.

— Корхонамиз Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари миқёсида фаолият юритиб келмоқда, — дейди бирлашган касаба уюшма ташкилоти етакчиси Сафарали Азизов.

Қарши шаҳридаги «Ал-Саид» МЧЖга Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки вилоят бўлими ёрдамида Хитой давлатидан бир йилда 700 тонна резина гранулалари ишлаб чиқарадиган технология келтирилган эди.

Эндиликда бу ерда яроқсиз автошиналардан ёпиқ ва очиқ футбол майдонларини жиҳозлашда фойдаланадиган резина гранулалари, югуриш йўлаклари учун қопламалар, том ёпишда ишлатиладиган муҳофаза қатламлари тайёрланмоқда.

Энг улуғ, энг азиз байрамга Хоразмда пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Кўплаб ижтимоий-маданий, ишлаб чиқариш объектлари, савдо шохобчалари фойдаланишга топширилаяпти.

Гурлан тумани марказида К.Турсунов бошлиқ «Аҳолига махсус-бино қурилиш» хусусий корхонаси жамоаси режалаштирилган 55 та иморатдан 15 тасини ўз эгаларига топширди. Жамоа аъзолари пойдевор қуришдан то уларга ички пардоз беришгача бўлган барча жараёнларни бекаму кўст амалга оширмоқдалар.

Ўзбекистон Мустақиллигининг 20 йиллиги олдидан

Ободлик кўнгилдан бошланади

Андижонда бўлиб ўтган фестивал шундай номланди

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги нишонланадиган дамларга яқинлашган сари юртимиз ўзгача тароват касб этмоқда. Обод мамлакатимизнинг қай гўшасига қадам босманг, бунёдкорлик, тараққиёт манзараларига кўзингиз тушади. Мамлакат иқтисодиётида ўзига хос ўринга эга Андижон вилояти мисолида ҳам бунга гувоҳ бўлиш мумкин.

Андижоннинг эътиборни тортадиган жиҳати, авваламбор, шу юртни обод қилиб яшаётган халқи, унинг юксак маънавияти, ширинсўзлиги, десак муболаға бўлмас.

Гарчи вилоят истиқлол шарофати билан автомобилсозлик тараққий этган ҳудуд сифатида дунёга танилган бўлса-да, бошқа жабҳаларда қўлга киритилаётган марралар ҳам анчайин салмоқли. Узоққа бормай, жорий йилнинг биринчи чорагида қўлга киритилган юксак натижаларга эътиборни қаратайлик. Шу вақт ичида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот 114,7, саноат маҳсулотлари 109, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 105,8, ўз кучи билан бажарилган пудрат ишлари 189 фоизни ташкил этди. Чакана савдо айланмасининг ўсиш суръати 114,3, хизмат ва сервис соҳасида 114,9, аҳолига пулпик хизмат кўрсатишда 111,3 фоизга етди. Вилоят ташқи савдо айланмасининг ҳажми 395 млн., шундан экспорт 156 млн. АҚШ долларига тенг бўлди. Шу билан бирга, ҳудудий корхоналар экспорти 4,3 млн. долларга етиб, прогноз 104,2 фоизга уддаланди. Қувонарлиси, қисқа фурсатлар ичида 85 та янги қувват ишга туширилди.

Мамлакатнинг иқтисодий тараққиётига Асакадаги «GM-Ўзбекистон» автомобилсозлик заводи, Андижон механика заводи, «УзДонгЖу», «Андижонкабел», «Алёр-текс», «Само-шертекс», «Пайтуғ-текс» қўшма, «Миматаш» чет эл тўқимачилик корхоналари, шунингдек, ипак, ёғ-мой, консерва каби тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали ҳисса қўшилмоқда. Албатта, мазкур муваффақиятларнинг ортида яратувчанлик қонқонига сингиб кетган андижонликларнинг тинимсиз изланишлари ётибди.

(Давоми 2-3-бетларда)

Матбуот анжумани

Диплом билан — бизнесга

«Пойтахт» бизнес марказида «O'zliDeP» Сиёсий кенгаши Ижроия қўмитаси ва республика Марказий банки биргаликда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — жамиятимиз тараққиётининг мустаҳкам таянчи» мавзуида ташкил этилган очиқ амалий мулоқот якунига бағишланган матбуот анжумани ўтказди.

Тегишли равишда «O'zLiDeP», Марказий банк ва 10 та тижорат банклари қайд этган йўналишларда қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, лойиҳалар доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш механизмларини янада такомиллаштириш, уларнинг бошланғич сармоясини шакллантириш, ҳуқуқий маданияти ҳамда бизнес кўникмаларини юксалтиришга кўмаклашиляпти.

Масалан, жойларда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш — аҳоли фаровонлигини ошириш омили» мавзуида ўтказилаётган туркум семинарлар жуда фойдали бўлаётир.

Тадбирларда банк тузилмалари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шароитлар яратиш, бизнесни йўлга қўйиб, самарали бошқариш, ушбу мақсадларда бошланғич капитални шакллантириш бўйича долзарб масалалар ҳамда вазифалар муҳокама этилди. Тадбиркорликка қизиқувчиларга банк-молия тузилмалари қўллаётган кўргазмали-намунали бизнес-лойиҳалар, кредит олиш учун таклифлар ишлаб чиқиш, керакли ҳужжатларни расмийлаштиришга оид тавсиялар тақдим этилди. Шунингдек, бошқа консултатив хизматлар ҳам кўрсатилди.

Жорий йилнинг январ-май ойларида ўтган семинарларда 11 мингдан зиёд олий ўқув юртлари, тармоқ коллежи битирувчилари, кичик бизнес ва фермерлик субъектлари вакиллари қатнашди. 500 дан ортиқ тадбиркорга ўз бизнесини йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун тижорат банклари томонидан қарийб 7 млрд. сўм миқдорида кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат топширилди.

Бундан ташқари, аҳоли бандлигини таъминлаш ва унинг фаровонлигини оширишнинг муҳим йўналишлари сифатида ёшларни инновацион ривожланиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига кенг жалб қилишга қаратилган «Диплом билан — бизнесга» лойиҳалари ҳам амалга ошириляпти. Уларда ҳозирга қадар 1500 дан зиёд коллеж, олий ўқув юртлари битирувчилари, 1000 нафардан ошиқ тадбиркор ва фермер аёллар иштирок этди.

Ўз мухбиримиз

Бизга қўнғироқ қилинг

Касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, мазкур субъектларда касаба уюшма ташкилотини тузиш масалаларига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. ЎзКУФКнинг 2011 йил 27 апрелдаги 2-9 сонли қарорига асосан шу йилнинг 23 майдан Федерация Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаларида тадбиркорлик субъектлари ва уларда фаолият юритаётган меҳнаткашларнинг ариза, таклиф ва шикоятларини умумий асосда қабул қилиш, бундай муассасаларда касаба уюшма ташкилотини тузишга амалий ёрдам бериш мақсадида ҳуқуқий ёрдам маслаҳатхоналари ва «Ишонч телефони» ташкил этилиши белгилаб берилган.

Жойларда ҳуқуқий маслаҳатхоналарни ташкил этиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Касаба уюшма ташкилотларида алоҳида хоналар ажратилиб, зарур жиҳозлар, ҳуқуқий базага эга компютер, ҳуқуқий адабиётлар билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Ҳуқуқий маслаҳатхонада ҳамда «Ишонч телефони»да мурожаатлар душанбадан жумагача соат 9:00 дан 18:00 оралиғида қабул қилинади.

Тадбиркорлардан тушадиган ариза, таклиф ва шикоятлар телефон орқали ҳам қабул қилиб олинади ва тегишли тартибда кўриб чиқилади.

Мурожаатларни кўриб чиқишда касаба уюшма ташкилотларининг масъул ходимлари томонидан олинган маълумотларнинг ошкор этилишига, қўнғироқ қилувчи шахс тўғрисида мурожаат қилиш мавзусига тегишли бўлмаган маълумотларни аниқлашга йўл қўйилмайди. Ариза, таклиф ва шикоятлар мурожаатлар соҳасидаги муносабатларни тартибга соладиган қонун ҳужжатлари асосида кўриб чиқилади. Қонун талаблари бузилиши аниқланган ҳолларда тегишли ташкилотларга ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилинади ва уларнинг ижроси касаба уюшмалари ваколатли ходимлари томонидан назоратга олинади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг «Ишонч телефони» рақами: (8371) 256-48-81

Қарор ва ижро

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик» йили Давлат дастурида тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, бюрократик тўсиқ, ғовларни олиб ташлаш, давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш кўзда тутилган.

Тадбиркорга кенг йўл

Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳам тадбиркорлик субъектларига қўшимча енгилликлар беришга йўналтирилган. Жумладан, 1 июндан бошлаб, пластмасса, лак-бўёқ, маиший-кимё, пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш, юк, енгил автомобиллар ҳамда автобусларни таъмирлаш каби жами 44 та фаолият тури билан шуғулланадиган кичик корхоналарда ўртача йиллик ходимлар сони амалдаги 21 нафардан 50 нафаргача, чегаравий миқдори эса 21 нафардан 100 нафаргача кўпайтирилди.

Шу пайтга қадар умумбелгиланган солиқ тўловчиси сифатида бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича ҳар ойда тақдим этиб келаётган 12 та ҳисобот ўрнига энди кичик бизнес корхоналари ҳар чорак якуни билан 4 та ҳисобот тақдим этадилар. Шунингдек, умумбелгиланган солиқ тўловчи ҳар ойда тўлаб келаётган 9 та солиқ ва мажбурий тўловлар ўрнига энди ҳар чорак якуни билан фақат бир маротаба ягона солиқ тўловини амалга оширади. Бу билан унга ҳар ойда тўланаётган маблағларни чорак давомида айланма маблағлар сифатида ишлатиш имконияти яратилади.

Давлат солиқ қўмитаси ҳам тадбиркорларга енгиллик яратишга жиддий киришган бўлиб, масалан, ўзаро сифатли электрон ахборот алмашинувининг жорий этилиши барчани мамнун этди. Давлат солиқ хизмати органлари ишининг самарадорлигини оширишга қаратилган ўттизга яқин дастурий маҳсуллар амалиётга татбиқ этилди ҳамда солиқ тўловчиларга ўндан ортиқ интерактив (яъни қоғозсиз масофадан туриб) хизматлар кўрсатишга йўл қўйилди. Эндиликда Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларга ахборот хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан солиқ тўловчиларга кўрсатилаётган интерактив хизмат турлари янада кенгайтирилиб, улар ёрдамида қўшимча тўлаган солиқ, бошқа мажбурий тўлов суммалари, молиявий жарималар, пенялар, ортиқча тўлов суммаси, солиқ қарздорлиги ҳақидаги маълумотларни олиш мумкин бўлади.

Республика Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан рақобат сиёсати, монополист корхоналар ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тенг шароитлар яратиш йўлида савобга йўғрилган катта ишлар амалга ошириляпти. Сўнгги 15 йил мобайнида олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида монополист корхоналар сони 828 тадан 178 тага, монопол маҳсулотлар сони 5186 тадан 157 тага камайди. Монопол ва хизматларнинг республика ялпи ички маҳсулотдаги улуши 19,3 фоизга пасайди.

Бундан ташқари, монопол маҳсулотларни биржа савдолари орқали сотишнинг йўлга қўйилиши, хусусий тадбиркорлик субъектларининг монополист корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва хомашёлардан эркин фойдаланиши учун қулай шарт-шароитлар яратмоқда. Хусусан, монополия соҳаларида рақобатлаша оладиган тармоқларни аниқлаш мақсадида 23 та табиий монополия субъектлари фаолияти, республиканинг 8 та минтақасидаги 37 та сув таъминоти корхоналари, 9 та минтақадаги 12 та иссиқлик таъминоти корхоналарининг молия-хўжалик фаолиятлари ўрганилиб, таҳлил қилинди. Натижада 16 та коммунал хизматлар кўрсатувчи корхоналарнинг харажатлари таркиби қайта кўриб чиқилди ва амалдаги тарифларни пасайтиришга эришилди.

Ўзбекистон Миллий Матбуот марказида Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси ҳамкорликда ўтказган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш борасидаги улуғвор вазифалар» мавзуидаги матбуот анжуманида ана шулар хусусида сўз юритилди.

Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Шарофат НОРҚУЛОВА, «Ishonch» мухбири

Ishonch
2011-yil 24-may № 64 (2945)

● *Ёзги соғломлаштириш*

Мавсум намунали ўтади

Қашқадарё вилоятидаги мавжуд 19 та болалар оромгоҳида 25810 нафар ўғил-қизни соғломлаштириш режалаштирилган бўлиб, дам олдириш 7 июндан бошланади.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳузурида Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ туманлари бўйича назорат ишларини олиб борувчи, муаммоларни ўрганиб, уларни жойида бартараф этишга кўмаклашувчи тезкор гуруҳлар ташкил этилди. Эътиборли жиҳати, март ойининг биринчи ўн кунлигида умумхалқ ҳашари ўтказилиб, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг «Соғломлаштириш жамғармаси» ҳисобига хайрия маблағлари туширилди. Мазкур маблағлар кам таъминланган оилалар фарзандларини соғломлаштиришга йўналтирилади. Умуман олганда, вилоятда дам олдириладиган жами ўқувчиларнинг 50 фоизини ҳомийлар маблағлари ҳисобидан имтиёзли равишда соғломлаштириш кўзда тутилган.

2011 йил талабидан келиб чиқиб оромгоҳларда ўз кучи билан маблағ топиш, ҳар бир оромгоҳ раҳбари олдига хўжалик ташкилоти билан келишган ҳолда иқтисодий фойда келтирувчи кичик бизнес субъектини ташкил этиш вазифаси қўйилди. Шунга асосан, вилоятдаги 19 та оромгоҳнинг бизнес режалари ишлаб чиқилди.

Бизнес режалардан оромгоҳлар ҳудудидаги бўш майдонларда сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштириш, мевали дарахтлар ҳосилидан фойдаланиш, нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган кичик цехларни ишга тушириш, сув қадоқлаш цехларини барпо этиш, паррандачиликни йўлга қўйиш ҳисобига тўхум ва гўшт етиштириш ва бошқа лойиҳалар ўрин олган.

* * *

— Бу йил шаҳар ташқарисида 18 та, мактаб ҳамда коллежлар қошидаги 74 та оромгоҳларда жами 17100 нафар ўғил-қизни соғломлаштириш ва дам олдириш кўзда тутилган, — дейди Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Маҳсуд Шукуров. — Уларнинг 8400 нафари ижтимоий суғурта ҳисобидан, 8700 нафари эса ҳокимликлар, «Маҳалла» жамғармаси ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан мактаблар, коллежлар қошида ташкил этиладиган кундузги оромгоҳларда дам олдирилади. Ушбу мақсадлар учун ижтимоий суғурта ҳисобидан 162 миллион сўм, ҳомийлар ва «Маҳалла» жамғармаси маблағидан 304 миллион сўм сарфланади.

Жорий йилги соғломлаштириш мавсумини юқори даражада ташкил этиш ва намунали ўтказиш мақсадида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Чунончи, мавсум давомида оромгоҳларда ташкил этилиши лозим бўлган барча ишларни бажариш учун ҳар бир йўналиш бўйича ишчи гуруҳлари тузилди. Камчилик ва муаммолар жойида ҳал этиб борилди.

Яқинда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида навбатдаги ўқув-семинари ўтказилди. Унда иштирок этган 2011 йил ёзги соғломлаштириш мавсуми ташкилотчилари, оромгоҳлар бошлиқлари, бош етакчи ва тарбиячилар бултур йўл қўйилган хато ҳамда камчиликлардан тўғри хулоса чиқарган ҳолда галдаги вазифаларни белгилаб олдилар.

* * *

Жиззах вилоятида бу йилги мавсумда 7210 нафар ўғил-қизнинг оромгоҳларда соғломлаштирилиши режалаштирилган. Шаҳар ташқарисида 16 та, мактаблар қошида эса 46 та кундузги оромгоҳ фаолият кўрсатади. Мавсумда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилоятидан келган болажонлар ҳам соғломлаштирилади.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш мавсуми ташкилотчилари учун семинар ташкил этилди.

Ўтган йили айрим оромгоҳлар тўла тайёр бўлмагани ҳолда болаларни қабул қилгани эслатиб ўтилди. Бу эса ўз навбатида турли хил муаммоларни келтириб чиқарди.

Оромгоҳга қабул қилинган боланинг йўлланмаси борлиги, унда ишловчи ходим зарур ҳужжатларга эгалиги, педиатр-шифокор, ҳамшира, тарбиячи билан таъминланиш аҳволи сингари масалалар оромгоҳ раҳбарининг эътиборида бўлиши зарур. Айниқса, бош ошпаз тегишли мутахассислик ва зарур меҳнат малакасига эга бўлгандагина ишга қабул қилиниши даркор.

Кундузги оромгоҳлар фаолиятига вилоятда бу йил янгича ёндашилмоқда. Аввало, сарфланадиган етарлича маблағ олдиндан банкдаги махсус ҳисоб рақамига жамғариб қўйилди. Йўлланмалар марказлашган ҳолда тарқатилади. Мўлжалланган жойлар аллақачон шайлаб қўйилди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан 192 нафар малакали педагогга оромгоҳларда ишлашга йўлланма берилди. Болажонлар соғлиғи мутахассисларнинг доимий назоратида бўлади.

* * *

Андижон вилоят ҳокимининг «Вилоят аҳолиси фарзандларини 2011 йил ёз мавсумида соғломлаштириш ва дам олишини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида оромгоҳлар фаолиятини янада такомиллаштириш, болаларнинг мазмунли дам олишларини ташкил этиш, уларга етарли шароитлар яратиш бўйича муҳим вазифалар белгиланди.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида болаларни ёзги соғломлаштириш ва оромгоҳларни мавсумга тайёрлашга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Жорий йилда вилоятдаги мавжуд 19 та шаҳар ташқариси ва мактаблар қошидаги кундузги 49 та оромгоҳда жами 19330 нафар бола дам олдирилади. Уларга етарли шарт-шароитлар яратиш, маданий ва маърифий, спорт тадбирлари ўтказиш, болалар қалбида она Ватанга муҳаббат туйғуларини шакллантириш мутассадди ташкилотлар зиммасига катта маъсулият юклайди.

Ўтган мавсумда бир қатор шаҳар ташқарисидаги болалар оромгоҳларида корхона, ташкилот, муассаса ва фермер хўжаликлари томонидан харид қилинган йўлланмалар тўловларининг ўз вақтида туширилишида, кундузги оромгоҳларда эса маҳаллий ҳокимликлар ҳамда ҳомийлар маблағларини оромгоҳлар ҳисоб рақамларига ўтказишда сусткашликка йўл қўйилгани таъкидлаб ўтилди. Бу йил ушбу камчиликларни бартараф этиш чоралари белгиланди.

Маълумки, ёзги соғломлаштириш мавсумида болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим масалалардан биридир. 2011 йил ёз мавсумида оромгоҳларда ёнғин хавфсизлигини ҳамда мазкур йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар юзасидан вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси вакили Е. Ражапов тушунча берди.

Йиғилишда мутассадди идоралар вакиллари иштирок этиб, соҳадаги ютуқ ва муаммолар ҳамда уларнинг ечими ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Семинарни бошқарган вилоят ҳокимининг ўринбосари, Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш комиссияси раиси Ш.Ибрагимов бу йилги ёз мавсумини алоҳида уюшқоқлик билан ўтказишга чақирди.

Йиғилишда Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Ш. Адилов оромгоҳлар фаолиятини янада такомиллаштириш борасида ечимини кутаётган қатор масалаларга эътибор қаратди.

Ўз мухбирларимиз

Ўзбекистон Мустақиллигининг

Ободлик кўнгилдан

Андижонда бўлиб ўтган фестивал

(Давоми. Боши 1-бетда)

* * *

2010 йилнинг 28 майи андижонликлар ҳаётида ўчмас из қолдирди. Айни шу куни Юртбошимиз вилоят аҳли билан юзма-юз мулоқот қилди. Ободончилик, фаровонлик йўлидаги ютуқларни эътироф этиб, амалга оширилса, барчага фақат эзгулик олиб келгувчи қатор хайрли тадбирларга кўрсатма берди. Орадан сал ўтмай Президентимизнинг «Андижон вилояти турар-жой массивларининг коммунал инфратузилмасини жадал ривожлантириш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Шундан сўнг кенг миқёсли қурилиш, реконструкциялаш, модернизациялаш ишлари бошлаб юборилди.

Хусусан, жорий йилда нишонланган Наврўзи олам тантаналари арафасида Андижон туманида янги ташкил этилган «Истиқлол» маҳалласида 57 хонадон уй тўйларини ўтказди. Маҳалла аҳли учун ҳудудда қатор савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга туширилди. Бу каби ишлар вилоят марказининг Ўзбекистон, Бобур ва бошқа кўчаларида ҳам жадаллаштирилди.

Шу йилнинг 21 май куни ўтказилган «Ободлик кўнгилдан бошланади» вилоят фестивалининг илк тантаналари ҳам мазкур ишлар пировардида барпо этилган Ўзбекистон кўчасининг очилиш маросими билан бошланди.

Фестивалнинг кўтаринки руҳини нафақат сайилгоҳда, балки вилоятнинг турли ҳудудларида ҳам илғаш мумкин. Хусусан, вилоятнинг барча магистраллари давлат мустақиллиги рамзлари, тадбир руҳини ўзида акс эттирувчи шиор, паннолар билан безатилган. Шаҳарга яқинлашар экансиз, миллий кийими ўзига ярашган йигит-қизларнинг қутловидан кўнглингиз тоғдек кўтарилади.

Исми жисмига монанд гўшада турли миллат вакиллари аҳил ва иноқ яшаётир. Байрам муносабати билан кўчанинг икки юзи — бир километрдан ортиқ масофада — ҳунармандлар кўргазмаси, гуллар намойиши, дор томошалари ва истеъдодли рассомларнинг ижод маҳсули кўзларни қувнатади. Яқинда битказилган биноларнинг пештоқи байрамона безатилган. Болохона айвонидан туриб элга таъзим қилаётган келин-куёвнинг чеҳрасида зоҳир топган бахтдан кўнглимиз шодланиб турган пайтда, икки онахоннинг суҳбати қулоғимизга чалинди.

— Кечаги сурати билан бугунгисини солиштириб бўларканми бу кўчанинг, Гулсораби? Давлатимизгаям минг раҳмат. Ҳам қасрдай уй қургин, ҳам тирикчилигинг учун қўшимча манба ярат деб ўзи пул бериб, иморат солдирса-я?! Ҳув, дўкон тепасидаги уй қайнсинглимники. Тирикчиликка бироз қийналишарди. Анча ўзимизни тутиб оламиз, деб оғзи қулоғида ҳозир айланайларнинг.

Бир километрдан ошиқроқ масофада 250 дан ортиқ тадбиркорлик шохобчалари бунёд этилиб, замонавий шаҳарсозлик андозалари асосида тубдан қайта жиҳозланган мавзе андижонликлар салоҳиятининг яна бир намунасига айланиши шубҳасиз. Истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ плёнка остига чигит экиб, пахтадан мўл ҳосил олишнинг ҳадисини олган, автомобилсозлик соҳасидаги муваффақиятлари сабаб янги инфратузилмани шакллантириб, кўпчиликда ҳавас уйғотган, куни кеча ўтказилган халқаро илмий анжуманда вилоятда янги ғаллачилик мактаби яратилганлиги дунё олимлари томонидан эътироф этилган Андижоннинг, маҳаллий аҳоли тили билан айтганда, «Президент уйлари» қуришдаги янгиликлари ҳам республикага тарқалса, не ажаб?!

Ниҳоят, Асаканинг «Дилхирож» ҳамда Булоқбошининг «Султонмурод» миллий чолғу дастаси иштирокчиларининг карнай-сурнайли чорловлари остида фестивалнинг очилиш маросими бошланди. Мазкур тадбирда сўзга чиққан вилоят ҳокими А.Усмонов барчани тантана билан қизғин қутлади. Маросимда, шунингдек, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Акбарова, Андижон шаҳар ҳокими Н.Алимов ҳамда Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси иштирок этди.

Меҳмонлар ва фахрийлар иштирокида Ўзбекистон кўчасининг очилиши учун махсус тортилган лента қирқилди. Худди шу пайт ранг-баранг мушаклар отилиб, карнай-сурнай садолари қувончли воқеа хабарини узоқ-узоқларга етказди. Гуллар билан байрамона безатилган «Лабо» автомашинаси ва 10 та извошдаги йигит-қизлар сайилни бошлаб беришди. Андижонни дунёга танитаётган завод автомашиналарининг дебочаси ҳисобланади, — дейди биз билан суҳбатда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Гулнора Абдуллаева. — «Гуллар байрами» кўрик-танлови ҳам айнан шу ерда ўтказилмоқда. Шунингдек, йирик маданий-маиший иншоотлар ишга туширилади. Бу ерда дорихона, озиқ-овқат, кийим-кечак, спорт анжомлари, компьютер эҳтиёт қисмлари дўконлари, гўзаллик салонлари каби хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди. Уларнинг барчаси касаба уюшма хизматига олинган.

Фестивалнинг иккинчи қисми Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида давом эттирилди. Ёшлар фестивали, кураш, турли кўргазма, танловлар уюштирилди. Туманлардан келган ёш ижрочилар, фолклор дасталари ўз дастурларини намойиш қилишди. «Боғи Бобур» мажмуасида эса моҳир ошпазлар иштирокида «Палов дамлаш» мусобақаси ўтказилди. Шунингдек, «Кулги кечаси» ҳажвий-юмористик тадбири ҳам кўпчиликда хуш кайфият уйғотди.

Кечки пайт Амфитеатр мажмуасида фестивалнинг якуний тантаналари бошланди. Унда Ўзбекистон халқ артистлари О.Назарбеков, З.Бойхонова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Г.Мамазоитова, Ғ.Бойтоев, И.Иброҳимов, «Ниҳол» мукофоти совриндори М.Эгамбердиева каби қатор истеъдодли қўшиқчилар андижонликларга ўз дастурларини намойиш этишди.

● *Давра суҳбати*

Фаолиятнинг қонуний кафолати

Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш, жамоатчилик назоратининг самарали тизимини йўлга қўйиш, энг муҳими, қонунчилик йўли билан улар фаолиятини кенгайтириш ва тартибга солишга мамлакатимизда катта эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. ЎзКУФҚ Ўқув марказида Федерацияга аъзо ташкилотларнинг ва Навоий кон-металлургия комбинати ходимлари касаба уюшмаси кенгашининг меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудирлари, мутахассислари иштирокида ушбу қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Федерация кенгашининг юридик бўлими мудири Абдусалом Рисқуллаев ҳамда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Маҳмуд Исаев қатнашди.

— Давлатимиз раҳбари томонидан таклиф этилган Концепцияда фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг очиқ-ошколаригини ва самарадорлигини таъминлаш, уларнинг ролини кучайтиришда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланган, — деди А.Рисқуллаев. — Шунингдек, қонунда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш каби масалалар бўйича ҳуқуқий нормалар кўзда тутилиши зарурлиги алоҳида қайд этилган.

Шунга кўра, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича эксперт гуруҳи жиддий иш олиб борди. Қонун лойиҳасини кенг жамоатчилик орасида муҳокама қилиш, улар фикрини ўрганиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида давлат идоралари, барча фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари иштирокида давра суҳбатлари ўтказилди. Эътиборли томони, уларда 1426 та ходим ва 50 дан зиёд ҳар хил йўналишдаги нодавлат нотижорат ташкилотлари қатнашиб, қонун лойиҳаси юзасидан 150 дан зиёд таклифлар беришди. Бир вақтнинг ўзида мазкур давра суҳбатлари жараёнида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти томонидан кенг жамоатчилик ичида сўров ўтказиш ишлари ҳам олиб борилди.

Иштирокчилар қонун лойиҳаси юзасидан таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди ҳамда ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

Акмал ТОШЕВ,
«Ishonch» мухбири

● *Ўқув-семинар*

Давр талаблари асосида бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, тармоқ касаба уюшма фаолларининг амалий ва назарий малакасини ошириш, уларга услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг иш режасига биноан бир ҳафта давомида Бухородаги «Ситора Моҳи Хоса» санаторийсида ўқув-семинар бўлиб ўтди. Тадбирда Бухоро ва Навоий вилоятларидаги ўрта умумий таълим мактаблари касаба уюшма етакчилари иштирок этишди.

Давр талаблари асосида

Тадбир давомида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг масъул ходимлари ҳамда Маънавият марказлари лекторлари маърузалари тингланди. Шунингдек, семинар иштирокчилари учун Бухоро вилоятидаги бир қатор ўрта умумий таълими мактабларида амалий машғулотлар ўтказилди. Иштирокчилар мактаб бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолияти билан танишиш, ўзаро тажриба алмашиш, илғор иш тажрибаларини ўрганиш имконига эга бўлдилар.

Тадбир қатнашчилари ҳафта давомидаги амалий ва назарий машғулотлар билан бир қаторда даволаш муолажалари, турли маданий-маърифий машғулотлар ва давра суҳбатларидан баҳраманд бўлдилар. Қадимий ва навқирон шаҳарнинг тарихий қадамжоларига саёҳатлар уюштирилди.

Ўз мухбиримиз

Ishonch
2011-yil 24-may № 64 (2945)

20 йиллиги олдидан

бошланади

шундай номланди

Фестивал доирасида «Ўзбек Миллий кино санъати» кунлари ташкил этилди.

* * *

Муаттар бўй таратаётган атиргуллардан ясалган Ҳумо қуши ва давлатимиз рамзларининг тасвиридан мутаассир бўлиб, гулчилар меҳнатига тасаннолар айтамиз. Кўчанинг икки юзини тўлдирган хонаки гулларнинг барчаси андижонликлар самимий қалбининг ифодаси гўё. Африкадаги саванна гулларини ўз иқлимимизга мослаштириб олишнинг ўзи бўладими! Фикримизни исботлаш учун узоққа эмас, Ўзбекистон кўчасидаги сайилга боришнинг ўзи кифоя.

Ҳунармандлар яратган ижод маҳсуллари ҳам бир олам таассурот улашишга шай. Улар орасида, айниқса, «Қўғирчоқлар чархпалаги» эътиборимизни тортди. Миллий қўғирчоқларни шу даражада маҳорат билан яратган ижодкорни суҳбатга тортдик.

— Бугун вилоятимизда ўзига хос байрам нишонланмоқда, — дейди ёш ҳунарманд Рўзихон Саидова. — Тенгдошларимизнинг юз-кўзидаги қувончни узоқ вақт эсдалик совғалари билан муҳрлаш ниятида қўғирчоқларим билан ташриф буюрганмиз. Мазкур кўргазмаларнинг ташкил этилишида «Ҳунарманд» уюшмаси фаолларининг жонбозлиги катта аҳамият касб этмоқда. Эътибор қилган бўлсангиз, сайилгоҳда пичоқчилардан тортиб, дўппидўзлару қийиқчилар, ўймакорлару миллий мато тўқувчиларигача, ҳаттоки иш қуроллари билан байрам кўргазмаларини ташкил этишган.

— Бугунги куннинг ҳар лаҳзаси умрга татигулик, — дейди ҳаяжонини яширмай навбатдаги суҳбатдошимиз Мавлуда опа Ғафурова. — Фестивални миллий анъаналаримиз, қадриятларимиз тантанасининг ифодаси дейиш мумкин. Эътибор қилинг, кўчани тўлдириб ўтаётган гул-гул қизлару бўз йигитларимизга дўппию белбоғ, адрасу атлас қандай ярашиб турибди. Уларнинг гўзаллигидан илҳомланиб яратилган бу матоларнинг барчаси вилоятимиз ҳунармандларининг ижод маҳсули ҳисобланади. Хусусан, мен раислик қилаётган Булоқбоши туман «Ҳунарманд» уюшмаси аъзолари томонидан турли нусхадаги миллий матолар, дўппилар ва кимхоб чопончалар яратилмоқда. Мазкур маҳсулотларнинг аксарияти «Устоз-шогирд» анъанаси асосида, оилавий бизнес тарзида дунё юзини кўради. Байрам баҳона ўзбекона руҳ билан тикилган бу либослар қоракўзларимизнинг қанча-қанча яхши кунларида хизмат қилади. Бугунги фестивалдан айни шу ҳолат — ўзбекона урф-одатларимизни қайтариб бераётгани учун ҳам миннатдорман. Туманимиздан, шунингдек, «Оқ олтин» аёллар фолклор дастаси ҳам тантаналарга совға билан келиб, дастурларини меҳмонлар эътиборига ҳавола этди.

* * *

— Муҳтарам Юртбошимизнинг инсонпарвар сиёсати туфайли сиҳат-саломат, тинчлик-хотиржамликда яшаяпмиз, — дейди Пахтаобод туманидан келган «Мадамин дорбоз» оилавий халқ жамоаси раҳбари Ўктам ҳожи Юсупов. — Байрам баҳонасида миллий ўйинларимиздан бўлган дорбозлик санъатини намойиш этаётирмиз. Дор остини чиллахонага тенглаштиришади. Демакки, бу ерда қилинган дуолар ижобат бўлади. Томошагоҳимизга йиғилган ёшу қари — барчамиз халқимиз омон, юртимиз фаровон, кўрганимиз яхши замон бўлишини тилаб дуога қўл очаётирмиз.

«Боғи Бобур» байрам оғушида...

Ўзбекистон кўчасида бошланган байрамона кайфият Андижоннинг машҳур боғиларидан бири «Боғи Бобур»га кўчди. Тадбир иштирокчилари ва меҳмонлар бу ерда бўлиб ўтадиган кулгу ва қўшиқ байрамига таклиф этилди. Юксак дид билан безатилган тадбирга ўтиш жойида вилоятнинг кўзга кўринган ҳунармандлари томонидан яратилган нақш санъати намуналари ва гулчиларнинг ажойиб гул кўчатлари намуналари қўйилган.

Катта саҳна безатилиб, унинг ортида марҳум санъаткорлар, Ўзбекистон халқ артистлари Сойиб Хўжаев, Эргаш Каримов, Ҳасан Йўлдошев, устоз аскиячилар Муҳиддин Дарвешов, Рустам Ҳамроқулов ва бошқа қизиқчиларнинг катта қилиб ишланган суратлари жой олган.

«Палов сайли»

Кун тушликка яқинлашиб қолган паллада тадбирнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Вилоят ҳокими андижонликлар ва меҳмонларни бугунги кулги байрами билан қутлади. Шундан сўнг «Табассум» куйи чорлови билан тадбирнинг очилиш маросимида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан келган «қўли гул» ошпазларнинг «Палов дамлаш» мусобақаси бошланди.

Катта қозонларда дамланган паловхонтўраларнинг «қай бири ширин» эканлигини топа олмай, ҳакамларнинг боши қотди. Ва ниҳоят улар бир қарорга келдилар.

Шаҳрихон туманидан қатнашган ошпаз О. Кимсанов биринчи ўринга, Андижон туманилик ошпазлар Х. Исақбоев ва ёш ошпаз Р. Азимов кейинги ўринларга лойиқ кўрилди. Қўли ширин ошпазлар томонидан тайёрланган полов дастурхонга тортилди.

Аския-дунёдаги ягона ўзбек санъати!

Аския – сўз ўйини. Сўз ўйини бўлганда ҳам ҳажвни сўз орқали ифода этадиган, бошқа турли маъноларни ҳам берадиган қадимий халқ санъатидир. У ҳозиржавоб жанр! Шу боис ҳам аскияга қўшилмоқчи бўлган инсон ўта зукко, топқир ва билимдон бўлиши лозим.

Дунёда ягона бўлган ўзбек аския санъатининг бугунги пешқадамлари — Андижон, Тошкент, Фарғона, Қўқон ва Марғилон мактаблари вакиллари иштирокидаги аскиялар, пайровлар ва пародиялар томошабинлар кайфиятини кўтариб юборди.

Боғда тўпланган 600 дан зиёд турли соҳа вакиллари, фахрийлар, фермерлар, тадбиркорлар, халқ вакиллари аския байрамидан ўзгача қувонч ва завқ олдилар. Айниқса, Насриддин афанди, Абдурайим ва Мамарайим қиёфасида намоён бўлган масхарабозлар дастурнинг кулгили ва чиройли ўтишига хизмат қилди.

Аския ортидан қўшиқ, ундан сўнг яна сўз ўйинига навбат берилиб, юракка яқин куй ва қўшиқ сеҳри олдида ҳатто кўпни кўрган оқсоқоллар ҳам рақсга тушиб кетди.

Дастурда қатнашган аскиячи ва қизиқчилар Мамасиддиқ Ширяев, Муҳиддин қизиқ, Ҳотам қизиқ, Абдулла Акбаров, Мирза Холмедов, Зокир Очилдиев, Ортиқ Султонов ва бошқаларнинг чиқишлари мухлислар кўнглини шод этди.

«Ободлик кўнгилдан бошланади» фестивалининг якунловчи қисми шаҳар марказидаги Амфитеатр мажмуасида бўлиб ўтди. Республикамизнинг машҳур санъаткорлари ва таниқли ёш хонандалар иштирок этган дастур бадиий-мусиқий шоу билан бошланди. Тадбирда Андижон Давлат университети ва Тиббиёт институтининг 400 дан ортиқ талабалари иштирок этди.

Дастур давомида қатнашчилардан бир гуруҳи фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди. Ушбу фестивал Андижон аҳлининг ёдида бир умр сақланиб қолиши шубҳасиз.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбирлари.
Абдуносир ҚЎЧҚОРОВ
олган суратлар

Муаммо ва ечим

«Ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур».

Ислом КАРИМОВ
(«Юксак маънавият – енгилмас куч» китобидан).

Интернет-кафелар

маънавий етукликка хизмат қилсин

Замон шиддат билан илгариламоқда. Техника тараққиёти янги босқичга кирди. Дунёнинг бир чеккасида юз берган воқеа ва ҳодисалар интернет орқали бир зумда оламга тарқалишига кўникиб ҳам қолдик.

Интернетнинг кўмагидан ҳар бир инсон фойдаланиш имконига эга. Ушбу беминнат, арзон алоқа воситасида турли ташкилотлар ўртасида ёзишма, ҳисоботлар олиш, шартномалар тузиш, савдо ишлари тезкорлик билан амалга оширилади. Бу борди-келди учун сарфланадиган миллионлаб сарф-харажатларни тежайди.

Айтайлик, сизга бирор чет элда нашр қилинган китоб керак бўлиб қолди. Буни ҳам интернетдан топиш мумкин. Шу тариқа чет элдаги кутубхоналарга интернет орқали тушиш имкони пайдо бўлди. Демак, у инсониятнинг интеллектуал салоҳияти ошишига хизмат қиляпти. Бундан ташқари, интернет орқали берилаётган рекламалардан йирик ташкилот ва фирмалар миллионлаб даромад олмоқда.

Ёшларимиз интернет-кафелар хизматидан фойдаланиб дунё билан тиллашаяпти. Билимларини бойитиб, ўзларини қизиқтирган кашфиётлардан воқиф бўлиб, янгиликлар билан танишмоқда, янги дўстлар орттиришмоқда. Хуллас, интернетнинг ёшларимизнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, дунёқарашини кенгайтиришда ижобий томонлари беқиёс. Лекин танганинг иккита томони бўлганидек, янги технологиялардан эзгуликлар билан бирга ғаразли мақсадларда ҳам фойдаланиш мумкинлиги сир эмас. Айтайлик, ошхона пичоғи овқат пиширишда фойдаланишга мўлжалланган, лекин ёмон мақсадли кишига тушиб қолса, у билан бировга жароҳат етказиш ҳам мумкин.

Мамлакатимизда бугунги кунда кўплаб интернет-кафелар ишлаб турибди. Улар ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш мақсадида ташкил этилгани шубҳасиз. Лекин ҳаммасини ҳам маънавий мезонлар асосида ишлаяпти, деб бўлмайди. Айрим ёвуз кучларга хизмат қиладиган, инсон онгини заҳарлашга қаратилган ғоялар тарқатиладиган, порно сайтларга кириб қолмоқда.

Муҳтарам Президентимизнинг таъбири билан айтганда, «Жаҳон ахборот майдони кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди».

Минг афсуски, айрим ота-оналар доимо иш билан бандлигини баҳона қилиб, энг қулай вариант — болани банд қилиш учун қўлига пул бериб, интернет-кафеларга кузатиб қўйишни одатга айлантириб олган. Фарзандларининг интернет-кафеларда энг кассабоп бўлаётган жангари, андишасиз, бир сўз билан айтганда бизнинг миллий қадриятларимизга ёт бўлган ўйинларнинг «ичига кириб» кетаётганини, бунинг оқибатида эса уларнинг тарбияси, руҳияти, маънавиятига салбий таъсир қилаётганини ўйлаб кўришмайди.

Ўйин давомида полициячи бўлиб тўғри келган одамни ўлдириб кетаётган, бойвачча ролида ресторанга кириб турли бузуқлик қилаётган, вампир бўлиб шафқатсизларча қон симираётган ёки такси ҳайдаб қизил чироқни менсимай «зўр»лигини исботлаётган «қаҳрамон»лар болакайнинг онгида ахлоқ нормалари, бошқаларга нисбатан меҳр-шафқат, одамгарчилик, қонун-қоидаларга бўйсуниш деган ҳаётий зарур кўникмаларнинг ўрнига «зўр бўлсанг, замон сеники, ҳамма нарса қилишинг мумкин» (alien shaoter, red alent, vetispors 1,2,3,4,5. ва бошқа ўйинлар) деган худбинона фикр шаклланишига хизмат қилиши аниқ. Айрим ўсмирлар шу даражада ўйинга берилиб кетадиларки, уни ниҳоясига етиш учун вақт, соғлиқ ва пулни аямайдиган даражага бориб қолишади. Ота-оналаридан олган пуллари тугагач, дўстларидан қарз сўрайдилар, омонат ҳам поёнига етгач алдов, ўғирлик йўлига ўтадилар.

Интернет-кафеларнинг туни билан бетўхтов фаолият юргизиши ёшларнинг ўйин, турли енгил-елпи сайтлар билан танишиш истагида қай йўл билан бўлса ҳам пул топиш учун қинғир йўлга кириб кетишига сабаб бўлмасмикан?! Фарзандларимиз интернет орқали дунёни танишини истаган ҳолда, ўзимиз билиб-билмай уларнинг тарбияси, маънавияти тубанлашишига замин яратмаяпмизми, деган ҳақли савол туғилади. Кейинги кузатишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, аксарият ёшлар интернет-кафеларда хохma.ru, pornokopilka.com, ruszona.ru, zavarka.ru, kamasutra.ru, xxx.com каби порнографик сайтларга кирмоқда. Интернет-кафеда ёшлар билан ишлаётганлар ҳам буни кўриб, ўзларини кўрмасликка олмоқда.

Албатта, интернетдан билим олиш, тафаккурини кенгайтириш, дунёда бўлиб ўтаётган воқеалардан хабардор бўлиш мақсадида фойдаланаётган ёшларимиз ҳам кўплигини таъкидлаш жоиз. Лекин гуруч баҳона сув ичаётган курмаклар, яъни ёшларнинг қизиқувчанлигидан фойдаланиб, мафкуравий таҳдид орқали ўз чўнтакларини қаппайтириш илинжида бўлган кимсалар ҳам бор. Ёшларимиз орасида эса турли «танишув», «ишга таклиф», «кўп пул ишлашни хоҳлайсизми?» «дўстлашамиз» каби сайтлар орқали берилган эълонларга алданиб, интернетдан олинган таклифларга ишониб, келажагини барбод қилаётганлар ҳам йўқ эмас.

Республика Маънавият тарғибот маркази интернетнинг ҳаётимизга кириб келиши, фойдали жиҳатлари ва зарарли таъсирлари хусусида, порно сайтлар, жангари ўйинларнинг ёшлар маънавиятига таъсири, кўп вақтини интернет-кафеда ўтказадиган болалар, фарзандига жангари филмнинг дискини олиб берадиган ота-оналар ҳақида «Оммавий маданият ва ёшлар тарбияси», «Эҳтиёт бўлинг: ахборот хуружи», «Маънавий таҳдид — ўзлигимиз, келажагимизга таҳдид», «Ёшлар ёт иллатларга қарши» каби мавзуларда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келяпти. Тўғри, тадбирлар билан бутун ҳаммани хавфдан огоҳ этишнинг иложи йўқ. Бунинг учун ота-она, мактаб, маҳалла, қолаверса, кенг жамоатчиликнинг саъй-ҳаракати ва эътибори ва яна интернет-кафеда ишлаётганларнинг маънавияти етук бўлиши ҳам тақозо этилмоқда.

Энг муҳими, ёшларимизга интернетдан фойдаланишни ўргатишимиз зарур. Киши дўконга киришдан олдин нима харид қилишини билиб киради, интернетдан фойдаланувчилар ҳам қандай ахборот олишини, қайси сайтларда ишлашини олдиндан билиши керак. Таълим муассасаларида ҳам интернетда ишлаш йўллари ҳақида ёшларимизга батафсил маълумот бериб борилса, фойдадан холи бўлмасди. Шундагина кўзланган мақсадга эришишимиз, ёшларимизни маънавий хуружлардан асрашимиз мумкин.

Аҳрор ЭРГАШЕВ,
Республика Маънавият тарғибот маркази
Ижтимоий-сиёсий бўлим бош мутахассиси

Касаба уюшма аралашуви билан

Тоифани ким беради?

Қарши шаҳридаги 10-ихтисослаштирилган умумтаълим мактабининг ўқитувчилари Таълим-фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгашига ариза билан мурожаат этишди.

Гап шундаки, 2010 йил ноябрдан 2011 йил 8 январгача вилоят назорат-тафтиш бошқармаси ходими Р.Ҳасанов томонидан мактабда тафтиш ўтказилган, далолатномада бир гуруҳ ўқитувчилар малака тоифаси ноқонуний тарзда белгиланган ва тоифа сертификати йўқ эканига қарамай устама ҳақлар тўланган, натижада давлат бюджетига 11917,3 минг сўм зарар келтирилган деб белгилаб қўйилган эди. У зудлик билан педагоглар тоифасини тушириш, тоифага кўра, тўланган устама ва иш ҳақларини қайтариб тўлашни талаб қилди.

Педагоглар аризасига кўра, вазиятга ойдинлик киритиш мақсадида тармоқ касаба уюшмаси вилоят кенгаши ҳуқуқшуноси Ниёз Пардаев жалб этилди ва қуйидагилар аниқланди:

Давлат тест маркази ҳамда Халқ таълими вазирлигининг «Умумий ўрта таълим муассасалари педагог-кадрларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисида»ги қўшма буйруғи, «Раҳбар ва педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги Низом» ва Йўриқномага асосан олий малака тоифасига даъвогар педагог Халқ таълими ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги мувофиқлаштирувчи аттестация комиссиясига, биринчи малака тоифасига даъвогарлар туман халқ таълими бўлими ҳузуридаги комиссияга, иккинчи малака тоифасини олмоқчи бўлганлар мактабда ташкил этилган аттестация комиссиясига имтиҳон топширади. Зеро, педагог ходимларнинг малака тоифасини ошириш, мавжуд тоифани сақлаб қолиш ёки уни пасайтириш ҳуқуқи фақатгина аттестация комиссияси ва экспертлар гуруҳига берилган. Шунингдек, Низом ва Йўриқномада, аттестация комиссиясининг хулосаларига асосан, педагог ходимларга малака тоифалари бериш тўғрисида у ишлаётган муассаса томонидан буйруқ чиқарилган бўлса, у қонуний кучга эга ва аттестация комиссиясидан ташқари ҳеч қандай орган бу буйруқни бекор қилиш ҳуқуқига эга эмас, деб белгилаб қўйилган.

Касаба уюшма ҳуқуқшуноси 10-мактаб ўқитувчилари айнан шу асосга кўра тоифа олишганини исботлаб берди.

Касаба уюшманинг аралашуви билан адолат қарор топди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ҳамкорлик томон яна бир қадам

Бугунги кунда одам савдоси билан боғлиқ кескин муаммолар жиддий хавфга айланди. Унга қарши самарали кураш олиб боришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Адлия вазирлиги ташаббуси билан Ички ишлар, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Бош прокуратура ҳамда Давлат божхона қўмитаси ҳамкорлигида Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжумани «Одам савдосига қарши курашиш борасида олиб борилаётган ишлар сарҳисоби, бу йўналишда ОАВнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш: амалиёт ва муаммолар» деб номланди. Тадбирни Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Гуломов олиб борди. Адлия вазирининг ўринбосари А.Аҳмедов, Бош прокурор ўринбосари А.Шарафутдинов ва бошқа масъул ходимлар журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб беришди.

Дарҳақиқат, одам савдосига қарши курашишнинг қонуний тартибга солиниши шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда самарали восита ҳисобланади. Мамлакатимизда одам савдоси жиноятларига барҳам беришнинг норматив-ҳуқуқий базаси шакллантирилиб, одамларнинг яширин трафикига қарши курашиш ва унинг қурбонларини ҳимоя қилишга қаратилган асосий халқаро ҳужжатлар имзоланган. Тадбирда мазкур жиноятга қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги жиноятчиликнинг олдини олишга хизмат қилиши таъкидлаб ўтилди.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши жамоаси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети касаба уюшма қўмитаси бош ҳисобчиси Гулшана Рўзиевага онаси

ЧЎЛПОНОЙ аянинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ishonch
2011-yil 24-may № 64 (2945)

Гиламдўзлик

Гиламлар ҳақида гап кетганда, қишлоқ аёлларидан эшитганим бир воқеа ёдимга тушади. Бир пайтлар Ҳикматой исмли чевар аёл бўлган экан. Ёшликдан гиламчиликка, урчуқ йигиришга қизиққан аёл тақдирнинг оғир синовларига рўбарў келади. Ҳунарнинг орқасидан икки фарзандини ёлғиз ўзи катта қилади. У тўқиган кўп йиллик гиламлар ҳозиргача хонадонларга кўрк бағишлаб турибди.

Аёл қўли гулдир

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур тумани «Исломобод» маҳалласида яшовчи Дурдона Арифжоновада кўрганим ҳунарга меҳр ва ҳавасда ана шу фидойи аёлнинг ғайрат-шижоати намоён бўлгандек туюлди. У беш йил олдин гиламчилик соҳасида иш бошлаб, анчадан буён режалаган орзусига эришди. Ўтган йилнинг кузида Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ташкил этилган тадбирда «Миллий гиламларни тўқиш» лойиҳаси билан қатнашиб, 10 млн. сўмлик грант соҳиби бўлди.

Дурдона опа бу ишга миллий қадриятларимизни тиклаш, аёллар ва ногиронларни иш билан таъминлаш мақсадида қўл урди ва катта ютуқларга эришди. Ҳа, ҳар ким ўз дунёсини ўзгартиришга қодир. Фақат эзгу ниятни дилга тугиб ишга киришилса кифоя. Хайрли қадам жавобсиз қолмаслигини у ўз ҳаракати билан исботлади.

Д.Арифжонованинг режаси аввалига баъзиларга хомхаёлдек туюлди. Лекин ундаги яратувчанлик иштиёқи бундай фикрлардан устун келди. Тўғри, бошланишида осон кечмади. Автоматлаштирилган корхоналарда бир ускунада кунига тахминан 2-2,5 минг метр квадрат гилам тўқилади. Қўлда яратилган тўшамалар устида ўнлаб тўқувчилар икки-уч ой иш олиб бориши мумкин. Қизлар аввалига қизиқиб келиб, кейин оғирлигидан ишни ташлаб кетган пайтлар бўлди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам Дурдона опа ортга чекинмади. Изланиш ва ҳаракатда давом этди. Айтишади-ку, кўз — қўрқоқ, қўл — ботир деб.

Айни кунда 40 нафар аёлга иш ўрни яратилди. Жумладан, Бахмал туманининг Ўсмат қишлоғида яшовчи 20 нафар аёл гилам тўқишга жалб қилинаяпти. Гиламдан ташқари ёшларга турли хил миллий ёдгорлик буюмлари ясаш ўргатилаяпти. Улар дарахт пўстлоқлари, ўсимликлардан тайёрланади. Гиламлар ва бошқа маҳсулотларда эса эски нусхаларни тиклаш, миллийликни акс эттиришга эътибор шундоққина кўзга ташланиб турибди.

— Дастлаб, йигирмата дастгоҳ сотиб олинди. Тароқ, пичоқ, қайчи каби иш қуроллари ва гилам тўқишда керакли ипак, жун, пахта олиниб, бешта гуруҳда иш фаолиятини бошладик, — дейди Д.Арифжонова. — Уста-шогирд мактабини очиб янглишмаган эканман. Шогирдларим қатор танловларда ғолиб бўлишди. Мисол учун, Дурдона Расулова «Ташаббус» кўрик танловида «Энг яхши ҳунарманд», Амина Отабоева эса «Қўли гулдир ўзбек аёлин» кўргазмасида сертификат ва диплом билан тақдирланди. Айни кунда Амина Отабоева ва Садоқат Маъмирова ўз ишини очди. Гулчеҳра Эгамбердиева ўзи мустақил иш ўргатяпти. Олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ёшларни нафақат ҳунармандчилик бўйича тайёрлаш, балки ҳаётда ўз ўрнини топишда ёрдам бераяпти. Ногиронлар ишли бўлди. Улар ҳаётга бошқача нигоҳ билан қарашмоқда. Аёлларимиз қатор кўргазмаларда қатнашиб, маҳсулотларини сотиш ва шартномалар тузишга эришди. Малайзия, Германия, Ҳиндистон каби давлатлардан буюртма олдик. Қисқаси, ҳунарли хор бўлмайди. Аёл — чексиз имкониятлар соҳибаси. Босган қадами — гул.

— Мени жудаям қизиқтирган нарса эски услубларни ахтариб топиш, — дейди биз билан суҳбатда шогирди Дурдона Расулова. — Бунинг учун кутубхонада изланишлар олиб бораяпман. Устозларимизнинг муносиб давомчиси бўлиш, бизга бўлган ишончни чин маънода оқлаш — орзуим.

Комила БОЙМУРОДОВА,
«Ishonch» мухбири

Кўрик-танлов

Ғунчалар очилмоқда

Мустақилликнинг 20 йиллигига бағишланган «Истиқлол ғунчалари» кўрик-танловининг Тошкент вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ёш авлодни миллий қадриятларни эъзозлаш, уларнинг санъат ва бадиий ҳаваскорлик ижодиётига қизиқишларини ўстириш, иқтидорларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган мазкур танловда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, тармоқлар тасарруфидаги Маданият саройлари қошидаги дасталар иштирок этди.

Ўзбекистон Давлат консерваториясининг кичик залида бўлиб ўтган танловда иштирокчилар вокал, анъанавий ижрочилик, эстрада қўшиқчилиги, якка ва жамоавий рақс ижрочилиги йўналишларида беллашди. Куй-қўшиқ ва рақсларда истиқлол шарофати билан қайта тикланган бобомерос урф-одат ва анъаналар, аждодларимизга хос аҳиллик, бағрикенглик, оқкўнгиллик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга содиқлик халқона кўриниш ва оҳангларда акс этди.

Вокал йўналишида «Аммафос-Максам» ОАЖ «Кимёгар» маданият саройи вакили Айша Халимова, анъанавий ижрочилик ва эстрада қўшиқчилигида «Ўзметкомбинат» ОАЖ қошидаги Мухамедов номли маданият саройи иштирокчилари Мадина Абдураззоқова ҳамда Мафтуна Бобоева, якка рақсда ҳам шу жамоа аъзоси Шоҳсанам Абдужалилова ҳамда жамоавий рақсда «Максам-Чирчиқ» ОАЖнинг «Солнишка» рақс дастаси ғолиб деб топилди.

Иштирокчилар қимматбаҳо эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз

Молия муассасаларида

Мижозлар манфаати учун

AGROBANK

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар инсон манфаатларига қаратилган. Молиявий муассасаларда олтин қоидага айланган «Банк мижоз учун» қоидаси ҳам фикримиз исботидир. Кейинги пайтларда юқори сифатли хизмат кўрсатиши сабаб кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлаётган «Агробанк» ОАТБнинг Навоий вилоят бошқармаси фаолиятида ҳам бу ақида муҳим ўрин тутади. Бошқарма айни пайтда 8925 нафар, хусусан, 4228 та қишлоқ хўжалиги корхонаси, 554 та бюджет ташкилоти, 5 та қўшма корхона, 3199 та кичик бизнес субъекти (шундан 2265 нафари якка тартибдаги ва хусусий тадбиркор) га хизмат кўрсатаётир. Хизмат сифатининг доимий равишда юксала бориши, ходимларнинг ўз тажрибаси ва билимини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатлари ўлароқ, мижозлар сони кундан-кунга ошиб бормоқда. Жорий йил бошидан бери улар яна 54 тага кўпайган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Агробанк»нинг Навоий вилоят бошқармаси томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2011 йилнинг биринчи чорагида устав капиталини ошириш мақсадида банк томонидан 277 млн. сўмлик оддий акциялар чиқарилган. Шунингдек, банк ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида мижозларга 154 млн. сўм корпоратив облигациялар ҳамда 180 млн. сўм миқдорида депозит сертификатлари тарқатилган.

ОАТБ «Агробанк» мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш борасида олиб борилаётган долзарб чора-тадбирларни амалга оширишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Айниқса, Юртбошимиз томонидан 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши банк фаолиятидаги янги қирраларнинг очилишига туртки бўлди. Асосий эътибор кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш, аграр секторни янада барқарор ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи замонавий корхоналарни жадал барпо этиш, юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар ва ускуналарни татбиқ қилиш ҳамда ички бозорни маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан тўлдиришга йўналтирилган кенг турдаги банк хизматларини кўрсатишга қаратилмоқда. Шунингдек, минитехнологияларни сотиб олишни кредитлаш, янги ишчи ўринларини яратиш ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳисобига хўжалик юритувчи субъектларнинг истиқболли ишлаб чиқариш лойиҳаларини

амалга ошириш, омонотларнинг янги турларини ташкил этган ҳолда аҳоли бўш пул маблағларини жалб этиш ва накд пул тушумларини кўпайтиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Банк филиаллари томонидан тадбиркорлар ва кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошди ҳамда қишлоқда истиқомат қилувчи аҳоли учун янги иш ўринлари барпо этиш имконияти кенгайди.

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш чора-тадбирлари изчил амалга ошириб борилаётгани, аҳолига қўшимча ер майдонлари берилаётганлиги, шунингдек, уларга давлат томонидан тизимли ёрдам кўрсатиб келинаётгани шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида чорва моллар кўпайишига, ички истеъмол бозорини чорвачилик маҳсулотлари билан тўлдиришга имконият яратди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу борада дастуруламал бўлмоқда.

Айни пайтда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, биринчи навбатда қорамол боқиш, шу асосда қишлоқ аҳолисининг бандлик даражасини кўтариш ва оилалар даромадини оширишнинг мавжуд имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга эришилмоқда. Хўжаликларни зотдор, сермаҳсул чорва мол, омухта ем ва ширали озуқа билан таъминлаш борасида банк томонидан ҳам қатор ишлар амалга оширилаётир. Зооветеринария ва бошқа сервис хизматлари кўрсатиш бўйича инфратузилма тармоғи, шунингдек, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида чорвачиликни ривожлантиришни микрокредитлаш тизимини яратишга муносиб ҳисса қўшилмоқда. Аҳолига туманлардаги бозорларидан накд пулга ва пул ўтказиш йўли билан қорамол сотиб олиши учун банкнинг ўз маблағи ҳисобидан жорий йилнинг биринчи чораги давомида 68 та кам таъминланган оилага қорамол сотиб олиши учун 87,5 млн. сўмлик кредит ажратилди.

Шунингдек, банк маблағи ҳисобидан қишлоқ жойларда 4 та маиший хизмат кўрсатиш объектига 120 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди. Натижада, юртдошларимиздан 12 нафари янги иш билан таъминланди. Бундан ташқари, шу соҳа объектларига Вилоят меҳнат бандлиги маблағи ҳисобидан 3 та хўжалик субъектларига жами 10 млн. сўмлик имтиёзли кредит ажратилди.

Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, меҳнат фаолиятини бошлаш ва мустақил ҳаётга кириб келишида уларга зарур ёрдам кўрсатиш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш механизмлари ва амалий рағбатлантиришга

тириш омилларини яратиш ҳамда уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш мақсадини амалга ошириш юзасидан «Агробанк» ОАТБ Навоий вилоят бошқармаси томонидан маблағ ажратилиши йўлга қўйилган. Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, 9 та ёш оилага 141,3 млн. сўмлик микрокредит берилди.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи 29 нафар хотин-қизга 322 млн. сўмлик кредит ажратилди. Бу рақам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 22,3 млн. сўмга ўсди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллий нозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида 15 нафар мижозга 1 млрд. 213 млн.сўм миқдорида ишлаб чиқариш корхоналарига техник ускуна ва хомашё учун кредит ажратилди. Чунки рақобатбардош юқори сифатли ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва турларини кенгайтиришни рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини улар билан янада тўлиқроқ бойитиш, тайёр ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи янги маҳаллий корхоналарни ташкил этиш ҳамда мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш орқали аҳоли бандлиги таъминланиб, олий мақсадимиз бўлган фаровонлик даражасини оширишга эришилади.

Бошқарманинг туман бўлимлари томонидан 17 мижозга иссиқхона ташкил этиш мақсадида 1 млрд. 244 млн. сўм кредит ажратилиб, 30 та янги иш ўрни яратилди. Жойларда иссиқхоналар ташкил этиш, қуруқ меваларни қадоқлаш, сут, гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, мармар маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йирик миқдордаги имтиёзли ва банк кредитлари ажратилди. Натижада, бугунги кунда хомашёдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда, кўплаб ёшлар иш билан таъминланаётир.

Навоий шаҳар ҳудудий филиали мижози бўлган «Одил брок сервис» МЧЖ ҳам фикримиз исботи бўлиши мумкин. Мазкур корхонага замонавий сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш ускуналари олиш учун кредит ажратилган бўлиб, пировардида 10 та янги ишчи ўрни яратилди. Ҳозирда бу ерда кунига 1 тонна сут ва сут маҳсулотлари қайта ишлаб чиқарилиб, аҳолига тортиқ этилмоқда.

* * *

«Агробанк» ОАТБ Навоий вилоят бошқармаси томонидан жорий йилнинг шу вақтига қадар 26 млрд. 933 млн. сўм инвестиция кредитлари ажратилди. Шундан 23 млрд. 097 млн. сўми асосий капитални кўпайтиришга йўналтирилган бўлса, саноатни ривожлантириш учун 3 млрд. 109 млн. сўм, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга 17 млрд. 292 млн. сўм, транспорт ва коммуникация соҳасини ривожлантиришга 349 млн. 780 минг сўм, қурилиш соҳасини ривожлантиришга 4 млрд. 865 млн. сўм, ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга 156 млн. сўм, материал-техник таъминот ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун 1 млрд. 162 млн. сўм инвестиция кредитлари ажратилди.

Мазкур кредитлар эвазига Хатирчи туманидаги «Хатирчи ёғ-мой» хусусий корхонасига 350 млн. сўмлик ва Қизилтепа туманидаги «Вангози Агроэкспорт» корхонасига 250 млн. сўмлик ўсимлик мойи ишлаб чиқариш заводлари қуриб ишга туширилиши учун имтиёзли кредитлар берилди. Бугунги кунда ушбу корхоналар томонидан олиб келинган лойиҳалар ишга туширилиб, аҳоли истеъмоли учун табиий тоза ва зарарсиз маҳсулот етказиб берилмоқда.

Қизилтепа тумани ҳамда Навоий шаҳрида Молия вазирлигининг имтиёзли маблағлари эвазига сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, арзон ва сифатли маҳсулот етказиб берилмоқда. Конимех туманида Молия вазирлигининг имтиёзли маблағи эвазига гўшт ва колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, бугунги кунда сифатли колбаса, сосиска ва сарделка маҳсулотлари аҳоли дастурхонига тортиқ қилинмоқда. Хатирчи, Қизилтепа ва Кармана туманларида иссиқхоналар ташкил қилиш мақсадида банк маблағлари ҳисобидан кредитлар ажратилиб, аҳоли дастурхонига сархил маҳсулотлар етказиб берилмоқда.

«Агробанк» ОАТБ Навоий вилоят бошқармаси томонидан ажратилган кредитлар эвазига бугунги кунда вилоятимиз аҳолисининг 640 нафари муқим иш жойларига эга бўлишди. Энг муҳими, банкнинг ўз фаолиятини изчиллик билан олиб борилиб, вилоят тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Насиба ИСМАТОВА,
«Ishonch» мухбири

h

Insonga naf keltirish – oliy baxt

Muassis:
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay’ati:
Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o‘rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog‘indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To‘lqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas’ul kotib), Anvar YUNUSOV

Bo‘limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e’lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Namangan + 99897 491 79 27;
Samarqand + 99866 933 25 04;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg‘ona + 99890 232 93 19;
Qoraqalpog‘iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko‘chasi, 24-uy
E-mail: ishonch2011@gmail.com

Nashr ko‘rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
A.Qodirova

Navbatchi:
S. Abdurahmonov

Musahhih:
N. Maxamov

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H. Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko‘chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

h - Tijorat materiallari

O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

ISSN 2010-5002

Bosishga topshiriш vaqti - 21.00
Topshirildi - 22.00

Буюртма Г — 551

20225 nusxada bosildi

1 345